

---

## БЎЛАДИГАН БОЛА ...

Бундан 7 йил аввал 2-синф ўқувчиси бўлган Муҳаммадқодир Тиллабоевга берган билимларимиз ўз натижасини кўрсатган эди. Туманимизда ўтказиладиган “Кичик олимпиада”да иштирок этган жажжигина Муҳаммадқодир 36 нафар иқтидорли ўқувчилар ичида ғолибликни қўлга киритиб, мактабимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган. Болалиқдан тиришқоқ, ҳаракатчан бўлган болажон бугунга қадар ўтказилган “Билимлар беллашуви”, “Ҳоким олимпиадаси” каби танловларда мутлоқ ғолиб бўлиб келди. 11 октябрь куни “Фан олимпиадаси”да математика фанидан қатнашиб, вилоятга йўлланмани қўлга киритди. Халқимизда “Бўладиган бола аввалдан маълум”, деган нақл бор. Болалиқдан аълочи бўлган Муҳаммадқодирдан келажакда юқори марраларни кутиб қоламиз. Шу билан бир қаторда ота-онаси ва устозларига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Наргиза ШОДМОНОВА, 18-мактаб директор ўринбосари. ЁЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-10-20 11:10:56